Тошкент оқшоми

2014 ЙИЛ 16 АПРЕЛЬ, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 75 (12.636)

Баҳоси эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ВА ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ТАРТИБОТЛАРНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2014 йил 7 апрелдаги ПФ-4609-сонли Фармонига мувофиқ ҳамда лицензиялашни ва рухсат этиш характерига эга ҳужжатларни бериш механизмларини янада соддалаштириш ва арзонлаштириш, шунингдек, тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, бошқа манфаатдор вазирлик ва идораларнинг:

2014 йил 1 июндан бошлаб, тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензияланадиган фаолиятнинг ва рухсат этиш характерига эга ҳужжатларнинг алоҳида турларини 1- ва 1-а иловаларга мувофиқ бекор қилиш;

фаолиятнинг лицензияланадиган турларини ва рухсат этиш характерига эга тартиботларни расмийлаштиришнинг муддатлари ва йиғимлари миқдорларини 2- ва 3-иловаларга мувофиқ қисқартириш;

рухсат этиш характерига эга ҳужжатларни ва лицензияларни олиш тартиботларини янада қисқартириш ва соддалаштириш тўғрисидаги таклифлари 4-иловага мувофиқ қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси лицензия ва рухсат этиш характерига эга ҳужжатларни бериш бўйича ваколатли органлар, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси билан биргаликда:

2015 йил 1 январгача бўлган муддатда фаолиятнинг айрим турларини лицензиялашда «бир дарча» тамойилини қонун ҳужжатлари даражасида жорий этишни 5-иловага мувофиқ таъминласин;

тадбиркорлик субъектлари томонидан лицензия келишувлари шартларини бажариш бўйича даврий ҳисоботларни электрон шаклда тақдим этиб бориш учун дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва жорий этишни 2014 йилнинг охиригача тамомласин.

3. Интерактив давлат хизматлари ягона портали орқали тадбиркорлик субъектлари учун устувор интерактив хизматларни жорий этиш бўйича лойиҳалар рўйхати 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси қуйидагиларни таъминласин:

фаолиятнинг лицензияланадиган турларини ва рухсат этиш тартиботларини расмийлаштиришни электрон шаклга ўтказиш, шунингдек, давлат органларининг тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро электрон ҳамкорлигини жорий этиш самарадорлигини баҳолаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан ишларни мувофиқлаштириш ва тизимли мониторинг қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2014 йилнинг охиригача Коммунал хўжалик ва уй-жой фонди порталини электрон тўлов тизимлари ва коммунал хизматларнинг биллинг тизимлари билан бирлаштириш йўли орқали мазкур портални такомиллаштириш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш, бунда тадбиркорлик субъектларига ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, реал вақт режимида ўзаро ҳисоб-китоблар ҳолати тўғрисида хабар бериш бўйича хизматлар кўрсатиш имкониятларини назарда тутиш;

манфаатдор вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва тадбиркорлик субъектларига 2013-2020 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантиришнинг комплекс дастури доирасида ишлаб чиқилаётган ахборот тизимларидан бепул фойдаланиш имкониятини яратиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, бошқа манфаатдор вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва ташкилотлар билан биргаликда 2014 йил 1 октябрдан бошлаб, Ўзбекистон Республикасининг Интерактив давлат хизматлари ягона порталида қуйидагиларни амалга ошириш имконини берадиган махсус «тадбиркорлик субъектининг кабинети» ишлашини таъминласин:

молия, солиқ, статистика ва бошқа турдаги ҳисоботларни интерактив расмийлаштириш ва тақдим этиш;

солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни, коммунал тўловларни, лицензия ва рухсат этиш характерига эга ҳужжатлар бўйича кўриб чиқишда ва уларни олишда тўланадиган йиғимларни ва давлат божларини Интернет-банкинг тизими орқали тўлаш;

маълумотномалар олиш ва бошқа интерактив давлат хизматларидан фойдаланиш.

5. 2014 йил 1 июндан бошлаб, тадбиркорлик субъектларига «бир дарча» тамойили бўйича электрон шаклда қуйидаги жараёнларни амалга ошириш ҳуқуқини берадиган тартиб ўрнатилсин:

тадбиркорлик субъектларининг уларни Маҳаллийлаштириш дастурига киритишга доир талабномаларини кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига тақдим этиш;

миллий валютада бир йилгача бўлган муддатга кредит олишга доир ҳужжатларни хизмат кўрсатувчи тижорат банкларига тақдим этиш.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг комплекслари раҳбарлари:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги билан биргаликда тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашиш, шунингдек, давлат хизматларини кўрсатишда ортиқча қоғозбозликка йўл қўйиш ҳолатлари учун давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига нисбатан маъмурий жавобгарлик чораларини кучайтиришни назарда тутган ҳолда қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни икки ой муддатда белгиланган тартибда киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда мамлакатимизда янада қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш бўйича қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни кенг ёритиш юзасидан ҳар бир ҳудудда тадбирлар ўтказсин.

7. Иқтисодиёт вазирлиги Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда рухсат этиш характерига эга ҳужжатлар ва лицензияларни бериш тартиботларини белгилайдиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга 2014 йил 1 июнгача тегишли ўзгартишлар киритсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2014 йил 15 апрель

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

ИҚТИСОДИЁТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётимиз ривожланишининг асосий омили бўлиб, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда етакчи кучга айлангани ўз исботини топмоқда. Бу мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка катта эътибор қаратилаётганидан далолат беради.

Хусусан, ёшларни тадбиркорликка жалб этиш, уларда ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, ўз бизнес фаолиятини бошлашида яқиндан ёрдам бериш борасида кўплаб ишлар амалга оширилаётир. Уларга имтиёзли кредитлар ажратилиб, божхона, солиқ ва бошқа бир қатор мажбурий тўловларни тўлашда кенг имкониятлар берилган. Олмазор енгил саноат касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтган давра суҳбатида шулар ҳақида батафсил сўз юритилди.

Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Олмазаор туман ахборот маслаҳат маркази ходимлари, Олмазор енгил саноат касб-ҳунар коллежи ўқитувчилари, юқори курс ўқувчилари ҳамда тадбиркорлар иштирок этди.

(Давоми 2-бетда)

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

МИНГЙИЛЛИК РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИГА ЭРИШИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасида Ўзбекистонда БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларини амалга оширишда ахборот соҳасининг ўрнига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси Абдурашид Жўрабоев, Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси Акмал Саидов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича изчил ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Ўзбекистонда 2011-2015 йилларда Мингйиллик ривожланиш мақсадларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар комплекси тасдиқлангани бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришга хизмат қилаётир.

Ушбу тараққиёт стратегиясини амалга ошириш мақсадида 2010 йил 9 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг, 2011 йил 26 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинган. Мажлисда мазкур қарорларда белгиланган вазифаларнинг ижроси юзасидан ахборот тингланди. Таълим, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ахборот технологияларини ривожлантириш борасида эришилаётган ютуқлар ҳақида сўз юритилди.

(Давоми 2-бетда)

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** пойтахтимиздаги «Сити Палас» меҳмонхонасида ўтказилган республика илмий-амалий анжуман «Соғлом бола йили» Давлат дастурини амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг роли ва вазифалари» мавзусига бағишланди.

✓ **БУГУН** Ички ишлар вазирлигининг Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртида тингловчи ва курсантлар билан соҳавий хизмат раҳбарларининг курсантларни ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ва қонунчиликка оид янгиликлар билан таништириш бўйича учрашув ташкил этилди.

✓ **ЭРТАГА** Юнусобод туманидаги 260-умумтаълим мактабида намунали чет тили дарсларини ташкил этиш бўйича тадбир бўлиб ўтади.

ХХІ аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Қаршида Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг Қашқадарё вилояти ҳудудий босқичи бўлиб ўтди. Унда 170 дан зиёд ишлаб чиқариш корхонаси ва кичик бизнес субъектлари ўз маҳсулотларини намойиш этди. Икки кун давом этган тадбирда кўплаб манфаатли, истиқболли шартномалар имзоланди.

● Навоий шаҳрида «Истиқлол ғунчалари» анъанавий болалар ижодиёти фестивали бўлиб ўтди. Тадбир шаҳардаги «Амфитеатр» мажмуасида ташкил этилган катта концерт дастури билан якунланди. Миллий анъана ва қадриятларимизни ёрқин ва теран акс эттириш борасида ташаббус кўрсатиб келаётган тўгараклар, ижодиёт марказлари ҳамда уларнинг тарбияланувчиларига бир қатор номинациялар бўйича диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

● Андижон вилояти Марҳамат туманида «Қиз боланинг касби – унинг бахти» шиори остида фестиваль бўлиб ўтди. Туман ҳокимлиги, халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ҳамкорлигида «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида ташкил этилган тадбирда ўқувчилар, ота-оналар, педагоглар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

● Қорақалпоғистон Республикасининг Шуманай туманида «Биз эрта никоҳ қуришга қаршимиз» шиори остида ёшлар акцияси ўтказилди.Туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда умумтаълим мактаблари ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари иштирок этди.

ЖАҲОНДА

● Франция ҳукумати мамлакатдаги энг қиммат йўл лойиҳасини маъқуллади. Яъни, мамлакатнинг маъмурий маркази ҳисобланган Сен-Дени шаҳрини Реюньон порти билан боғловчи, сув устидан олиб ўтиладиган трассанинг узунлиги 12 километрни ташкил этади ва ушбу коммуникация объекти учун 1,56 миллиард евро ҳажмидаги маблағ сарфланиши режалаштирилган. Бу йўлнинг ҳар бир метри 133 минг еврога тўғри келади, деганидир. Ушбу йўл қурилишининг 2021 йилда якунланиши кўзда тутилган.

● Хитойнинг Ланьчжоу шаҳрида ичимлик суви тизимининг синов таҳлиллари натижасида сув таркибидаги бензол миқдори белгиланган меъёрдан 20 марта юқорилиги маълум бўлди. Шу боис шаҳарнинг 2,4 миллион кишилик аҳолиси муайян муддатга ичимлик суви таъминотидан узилиб қолди.

● Банан замбуруғи эпидемияси жуда тез тарқалиб, Жануби-Шарқий Осиёдаги деярли барча плантацияларни барбод қилиб, ҳозирда Яқин Шарқ ва Африкага ҳам ўтмоқда. Шу боис бутун жаҳонда бананнинг нархи ошиб бормоқда.

● Жаҳон савдо ташкилоти томонидан 2014 йилда дунё бўйича савдо ҳажмининг 4,7 фоиз ўсиши тахмин қилинмоқда. Халқаро миқёсда савдо миқдорининг ортиб бориши кўпроқ Осиё давлатларига тааллуқли бўлади. Зеро, ҳозирда Европада ишсизлик даражасининг юқорилиги истеъмол қувватининг пасайиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Мамлакатимизда банк тизимини ривожлантириш ва ислоҳ этиш масаласи доимий эътиборда. Бунинг натижасида банкларнинг ресурс базаси кенгайиб, улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар тури ва сифати тобора яхшиланмоқда. 2013 йилда иқтисодиётнинг реал секторига ажратилган кредитлар ялпи ҳажми 30 фоизга ошгани бунинг тасдиғидир.

БАНК ХОДИМЛАРИ ЎҚУВ-СЕМИНАРИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2013 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, ўтган йили тижорат банкларининг жами капитали 25 фоизга, 2000 йилга нисбатан эса 46 баробардан зиёд кўпайди.

Банк тизимининг ликвидлиги 65 фоиздан зиёд бўлиб, бу жаҳон амалиётида «юқори» деб аталадиган кўрсаткичдан 2,2 баробар ортиқдир. Кредит портфели жами маблағларининг 80 фоизга яқини ички манбалар улушига тўғри келмоқда. Айниқса, банк хизматларидан фойдаланиш даражасини алоҳида эътироф этиш ўринлидир. Масалан, мамлакатимизда ҳар юз минг катта ёшдаги аҳолига 49,7 банк муассасаси тўғри келаётгани, ҳар минг киши номига 1 минг 28 банк ҳисобрақами очилгани халқаро меъёрлар бўйича «юқори» деган баҳо кўрсаткичига мос келади.

Аҳолининг банкларга ишончи ортиб боришида тизимда намунали хизмат кўрсатиш йўлга қўйилгани, банкларнинг чин маънода мижозлар манфаати йўлида жон куйдираётгани муҳим роль ўйнамоқда. Бундай натижаларга эришишда тизимда ходимларнинг муомала маданияти ва маънавиятини бойитиб боришга қаратилган маърифий ишлар муҳим ўрин тутади. Зеро, ҳар бир соҳада ходимлар билим ва тафаккурини янада юксалтириш, етук маънавий-ахлоқий фазилатли, замонавий фикрлайдиган, интеллектуал даражаси юқори кадрлар заҳирасини шакллантириш долзарб аҳамиятга эга.

Пойтахтимизда Республика Маънавият тарғибот маркази ҳузуридаги «Маънавият тарғиботчиси» ўқув маркази томонидан банк ходимлари учун ташкил этилган ўқув-семинари шу мақсадга хизмат қилади.

Тадбирда мамлакатимиз иқтисодиёти барқарорлигида банклар муҳим ўрин тутаётгани таъкидланди. Бунда замонавий билим ва касб-ҳунарга эга, мамлакатимизнинг тараққиёти йўлида ҳал қилувчи кучга айланган кадрларнинг ўрни беқиёс.

Ўқув-семинарида 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг асосий йўналишлари, ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар хусусида батафсил маълумот берилди.

Банк ходимларининг билимини ошириш, маънавиятини янада юксалтириш борасида маънавий-маърифий тарғибот ишларини самарали ташкил этиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлашда банк тизими олдида турган устувор вазифалар ижросига алоҳида эътибор қаратилди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

ИҚТИСОДИЁТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тадбирдан кўзланган мақсад давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган тадбиркорликни ривожлантиришга доир ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳияти билан ёшларни таништириш, улар билан эркин фикр алмашиш, ишбилармонлик ҳақида маълумот бериш ҳамда ушбу соҳага кенг жалб қилишдан иборат.

— Мамлакатимизда ёшларнинг тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун кўплаб имкониятлар яратилган, — дейди Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Олмазор туман ахборот маслаҳат маркази раҳбари Адиба Каримова. — Бу каби тадбирларнинг ташкил этилиши ёшларнинг тадбиркорликка бўлган қизиқишларини янада орттиради. Тадбирда битирувчиларга берилган маслаҳат ва кўрсатмалар уларнинг бизнес фаолиятини бошлашида жуда асқотади.

Ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорликка жалб этиш ҳамда аҳоли фаровонлигини оширишда бундай тадбирлар ижобий самара беради.

Абдуалим САЛИМОВ

Маҳалла

МЕҲР — ОҚИБАТ МАСКАНИ

Инсонлар қалбида аҳиллик, меҳр-саховат, оқибат каби эзгу хислатлар таъбир жоиз бўлса маҳалла аталмиш гўшада ривожланади. Бу каби қадр-қиммат масканида инсонлар бир-бирларига суянадилар, оғир-енгил кунларда ўзаро елкадош бўладилар.

Кейинги йилларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига қаратилган катта эътибордан кўзланган асл мақсад ҳам шу. Ушбу ноёб тузилма фаолиятини янада кенгайтириш, аҳоли билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш, келажак эгалари бўлган ёшлар тарбиясида ундан оқилона фойдаланиш, уларни ҳам мана шу руҳда тарбиялаш муҳим масалалар қаторига киради.

— Ватан остонадан бошланади, дейди доно халқимиз. Остонамиз эса мана шу ўзимиз яшаб турган маҳалламиздир, — дейди Юнусобод туманидаги «Гулистон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳусан Ниғмонов. — Кўп миллатли маҳалламизда 3.730 нафар аҳоли бир оила фарзандларидек тинчлик-омонликда, ўзаро ҳурмат-иззатда яшаб келмоқда. Бунга эришишимизнинг асосий сабаби — хотин-қизлар комиссияси, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, маҳалла фаоллари, профилактика инспекторлари ва посбонларнинг ҳамжиҳатликда, ўзаро бир-бирларини тушуниб иш олиб боришларидадир. Биз хонадонларда, ҳудудимиздаги вояга етмаганлар орасида доимий равишда тушунтириш ишларини олиб борамиз. Муаммо туғилгудек бўлса маслаҳатлашиб биргаликда ечишга ҳаракат қиламиз. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, халқ бизга ишондими, мана шу ишончни оқласак, уни суиистеъмол қилмасак ҳурмат-иззат ҳам шунга яраша бўлади.

— Ҳудудимизда 327-мактаб жойлашган, унда таълим-тарбия олаётган ўғил-қизларимизнинг одоб-ахлоқи, нафақат ўқишда, балки бўш вақтида ҳам нима иш билан бандлиги доимо диққат-эътиборимизда. Ёшларнинг саломатлигини тиклаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида мактабда спортнинг миллий кураш, стол тенниси, шахмат-шашка, футбол турлари бўйича тўгараклар фаолияти йўлга қўйилган. «Ораста қизлар» тўгарагида эса қизлар тўқишни ўрганадилар, китобхонлик кунлари ўтказилиб, ўқиган китоблари бўйича баҳс-мунозараларда саводхонлиги ортади, — дейди суҳбатимизга қўшилган маҳалла хотин-қизлар комиссияси раиси Мунира Расулова. — Ёшлар билан мунтазам иш олиб борилганлиги туфайли маҳалламизда адашиб жиноят кўчасига кирган, турли ҳуқуқбузарликларга қўл уриб ички ишларда рўйхатда турганлар йўқ. Балоғат ёшидаги ўғил-қизларнинг мактабни битириб касб-ҳунар коллежлари, академик лицейларга ўқишга жойлашиши, битирганларининг эса олий ўқув юртига ўқишга кириши ёки ишга жойлашишига қатъий эътибор қаратилган бўлиб, уларнинг бўш қолишларига йўл қўйилмайди. 52- оилавий поликлиника шифокорлари билан ёшлар, туғруқ ёшидаги аёллар тиббий кўрикдан ўтказилиб, зарур маслаҳатлар берилади. Саломатлиги доимо назорат қилиб турилади, касаллик аниқланганда даволаш чоралари кўрилади. Давлатимиз томонидан қабул қилинган Амнистия акти туфайли жазодан озод этилиб, оиласи бағрига қайтган фуқароларга профилактика инспектори, катта лейтенант Суннат Якубов билан биргаликда ҳар томонлама ёрдам берилиб, жамиятда ўз ўрнини топишига бевосита ҳисса қўшилмоқда.

Маҳалла фаоллари ҳам олиб борилаётган хайрли ишлар ҳақида фикр билдирар эканлар ўз-ўзидан уларнинг туғилиб ўсган сўлим ва ораста гўшалари билан фахрланишларини сезиш қийин бўлмади.

Дарҳақиқат, янгидан таъмирдан чиқарилиб янада чирой очган «Гулистон» маҳалласида баҳорнинг илик нафасини кўчагина ўтказилган 1000 га яқин мевали ва манзарали дарахтлар ҳамда 4000 дан ортиқ гул кўчатларининг оҳиста тебраниши, озода ва саранжом-саришта кўчаларда сезиш қийин эмас. Баҳорнинг илк кунларидан ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари бошланган ушбу ҳудудда қадимий ва навқирон Наврўз айёми ҳам кўтаринкилик билан кутиб олинди. Чиройли байрам дастурхони ёзилиб кексалар, фахрийлар, ижтимоий муҳофазага муҳтож оилалар вакиллари ва ногиронлар таклиф этилиб, бир пиёла чой устида уларга совға-саломлар топширилди. Бетобларнинг уйларига бориб йўқланди, ширин калом билан кўнгиллари кўтарилди.

Ўз ҳудудларининг тинчлик-осойишталиги учун ғайрат билан меҳнат қилаётган жонкуяр инсонлар даврасида маҳалла уларнинг ҳақиқий уйлари эканига амин бўлдик. Гўёки «Маҳалланг тинч — сен тинч» деган нақл худди улар учун айтилгандек. Зеро, тинчлик-хотиржамлик бор жойда қут-барака, меҳр-оқибат янада бўй кўрсатиб, барчани фақат яхшилик сари етаклайди.

Шоира МУҲАМЕДОВА

МИНГЙИЛЛИК РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИГА ЭРИШИЛМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мамлакатимиз таълим тизимида замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланилмоқда. Ўқув муассасалари электрон дарсликлар ва методик қўлланмалар билан таъминланмоқда. Шунингдек, экологик ва тиббий маданиятни юксалтириш, юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда. Бу ишларни оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритишга, аҳолининг огоҳлигини ошириш бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари олиб боришга катта эътибор қаратилмоқда. 2013 йилда шу мақсадда 1448 теле ва 4386 радио дастур эфирга узатилди, матбуотда 2650 дан ортиқ мақола чоп этилди. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик вазиятни соғломлаштиришга йўналтирилган 30 дан ортиқ веб-сайт ишлаб турибди. Интерфаол таълим дастурлари, турли адабиётлар, рисола ва плакатлар яратилиб, кенг омма эътиборига тақдим қилинмоқда.

Мажлисда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш орқали таълим сифатини янада юксалтириш, Мингйиллик ривожланиш мақсадларини амалга оширишда Ўзбекистонда эришилаётган ютуқларни оммавий ахборот воситаларида ёритишни янада фаоллаштириш, бу жараёнга фуқаролик жамияти институтларини кенг жалб қилиш муҳимлиги таъкидланди.

Йиғилишда БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларини амалга оширишда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, фуқаролик жамияти институтлари, ахборот технологиялари соҳаси муассасалари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш юзасидан фикр алмашилди.

Ирода УМАРОВА,
ЎзА мухбири

Анжуманлар

АҲОЛИНИНГ СИФАТЛИ ДОРИ ВОСИТАЛАРИГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Дори-дармон» акциядорлик компанияси томонидан «Аҳолининг сифатли дори воситаларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар» мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.

«Дори-дармон» акциядорлик компанияси фармацевтика бозорида ишонч билан фаолият олиб бораётган ва ривожланаётган, республика аҳолиси ва даволаш-профилактика муассасаларини кенг турдаги сифатли дори воситалари билан таъминлаётган улгуржи-чакана корхоналардан бири ҳисобланади.

— Мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида туб ўзгаришлар амалга оширилди, — дейди «Дори-дармон» акциядорлик компанияси департаменти раҳбари Оқил Ҳожиметов. — Ҳозирги кунда компания таркибида 8 та акциядорлик жамияти ва 10 та шўъба корхона, 17 та дорилар омборхонаси, 15 та назорат-таҳлил лабораторияси ҳамда республикамизнинг барча ҳудудларида жами 1327 та дорихона муассасалари фаолият кўрсатмоқда. Шу ўринда айтиш жоизки дорихона муассасаларининг 74 фоиздан ортиғи қишлоқ жойларида, шу жумладан 694 та қишлоқ врачлик пунктларида жойлашган.

Анжуманда сўзга чиққанлар компания корхоналари томонидан «Самавто» корхонасидан махсус жиҳозланган 14 та изотермик автомобиллар харид қилиниб, 2010 йилдан бошлаб кўчма дорихоналар фаолияти йўлга қўйилгани, айнан бундай дорихоналар ёрдамида республикамизнинг чекка ҳудудларида яшовчи аҳолига керакли дори воситалари ва тиббий буюмлар етказилаётгани ҳақида айтиб ўтишди.

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва даволаш-профилактика муассасаларининг арзон ва сифатли дори воситалари билан таъминланишини яхшилаш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва янги иш ўринларини яратиш мақсадида Самарқанд шаҳридаги «INTEGRA DD» МЧЖ корхонасида икки турдаги дори препаратларини ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилди.

Таъкидлаш жоизки, акциядорлик компанияси республикамиздаги фармацевтика корхоналари ва 100 дан ортиқ етакчи хорижий фирмалар билан ҳамкорлик қилади. Компания тизимида 3800 дан ортиқ ходимлар фаолият олиб бормоқда. Бундан ташқари, мутахассисларнинг малакасини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратиб келинади. Йил сайин янги иш ўринлари яратилмоқда. Жумладан, 2013 йилда компания ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан 221 та, 2014 йилнинг биринчи чорагида 41 та янги иш ўринлари ташкил этилганлиги қувонарлидир.

Ўтган йилнинг май ойида компания қошидаги «1002 маълумотлар тармоғи» «Call Centre» дастури билан янгиланиб, аҳолига тизимдаги дорихоналарда мавжуд бўлган дори воситалари бўйича маълумот хизмати фаолият кўрсатмоқда. Бу тизим ишга туширилгандан сўнг ўтказиб юборилаётган телефон қўнғироқлари сони кескин камайди.

Ҳозирги кунда компания тизимидаги корхона ва жамиятлар фаолиятидан хабар ва маълумотлар расмий www.doridarmon.uz веб-сайтида доимий равишда ёритиб борилмоқда.

Аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадида «Интернет-дорихона» хизмати ишга туширилди. Шу ўринда айтиш жоизки, мазкур хизмат он-лайн режимида Тошкент шаҳрида жойлашган компания тизимидаги дорихона муассасаларида мавжуд бўлган дори воситалари ҳақида аниқ маълумот олиш имконини беради. Мазкур қидирув тизими ёрдамида истеъмолчи куннинг исталган вақтида оператор жавобини кутмасдан ва уйдан чиқмасдан ўзига керакли бўлган дори воситасини саноқли лаҳзаларда топиши мумкин.

Матбуот анжуманида соҳа вакиллари томонидан республика бўйича амалга оширилган ишлар ва келгусидаги режалар ҳақида маълумотлар берилди. Оммавий ахборот воситалари вакиллари ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олишди.

Зиёда РАСУЛОВА

Тақдимот

АЛОҚА ВОСИТАСИНИНГ ЯНГИ ТУРИ

Мамлакатимизда телекоммуникация тизими тобора ривожланиб бормоқда. Хусусан, уяли алоқа телефонлари бу борада етакчилик қилади десак муболаға бўлмайди. Дунёга машҳур Samsung, Sony, Ericsson, Nokia ва бошқа компаниялар томонидан ишлаб чиқарилаётган ушбу алоқа аппаратлари бугун юртимизда кенг тарқалган.

Уяли алоқа воситаларини ишлаб чиқаришда етакчи компаниялардан бири бўлган Samsung компанияси маҳсулотлари юртимизда мижозлар талабини қондириш ва харидоргирлиги бўйича биринчи ўринни эгаллаб турибди. Мазкур компания томонидан тақдим этилаётган алоқа аппаратлари ишлаш тизими тезлиги, юқори сифатли тасвирга олиш имкониятлари, қувватининг чидамлилиги ва яна бир қанча имкониятларининг мавжудлиги билан бошқа компания аппаратларидан фарқ қилади.

Барчамизга яхши маълумки, ушбу компания томонидан ишлаб чиқарилган Samsung Galaxy S3 ва Samsung Galaxy S4 смартфонлари бугун энг оммавийлашган алоқа воситалари қаторига киради. Яқинда «Туркистон» саройида компаниянинг яна бир янги аппаратининг тақдимоти бўлиб ўтди. Унда Samsung компанияси Galaxy S мобиль қурилмасининг навбатдаги Samsung Galaxy S5 маҳсулотини намойиш қилди.

Samsung Galaxy S5 мобиль аппарати қадам ҳисоблагич, пульс датчиги ва сония ўлчагич ўрнатилган Gear Fit ҳамда Tizen операция тизими остида ишлайди. Қуввати 2-3 кунга етадиган Gear 2 «ақлли соатлари», янги ўлчамдаги планшетлар ва бошқа янги ҳамёнбоп телефонлари тақдимотга келган омма эътиборига ҳавола қилинди. Кўргазмада «Galaxy S5» нинг асосий имкониятлари нафақат намойиш этилди, балки тажрибада ҳам синаб кўрилди.

Тақдим этилган қурилмадаги энг эътиборга молик янгиликлар сифатида бармоқ изи сканери, пульс датчиги ва камерани таъкидлаш мумкин. Galaxy S5 ўз «аждодлари»дан фарқли равишда чанг ва сувга бардошли қилиб ишланган. Қурилманинг бу хусусияти тақдимотга ташриф буюрганлар томонидан синовдан ўтказилди.

Galaxy S5 бармоқ изи сканери орқали ўз хотирасида фақат учта бармоқ изини сақлай олади ва бу функция телефонни ҳимоя хавфсизлигидан чиқариш, интернет-дўконларда харидларни амалга ошириш, смартфоннинг бегона кўзлардан сақлаш лозим бўлган файл ва дастурларини ушлаб турувчи шахсий ҳудуди (private Mode) га кириш имконини беради.

Оғирлиги 145 грамм бўлган қурилма 4K ўлчамида видеога олиш имконини берувчи 16 мегапикселли камерага эга.

Android 4.4.2 базасида ишлайдиган ушбу қурилма ҳозирда юртимиз савдо дўконларида сотувга чиқарилган.

Гулрухсор ХУДАЙБЕРДИЕВА,
ЎзМУ журналистика факультети талабаси

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида экожурналистикани ривожлантиришга бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Қарор ва ижро

ЭКОЖУРНАЛИСТЛАР СЕМИНАРИ

Унда давлат, жамоат ва халқаро ташкилотлар вакиллари, эколог олимлар, мутахассислар, табиатни муҳофаза қилиш вилоят қўмиталарининг ахборот хизматлари ходимлари, журналистлар иштирок этишди.

Анжуманда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида атроф-муҳитни муҳофазалаш, табиий заҳиралардан оқилона фойдаланиш ва барқарор ривожланишга эришиш борасида зарур ҳуқуқий ва амалий механизмлар яратилгани таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27 майда қабул қилинган «2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастури тўғрисида»ги қарори бунда муҳим дастуруламал бўлаётир.

Мамлакатимизда аҳолининг экологик билим ва маданиятини юксалтириш, экологик таълимни такомиллаштириш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Экология йўналишига ихтисослашган журналистларни юртимизда бу борада амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан таништириш мақсадида турли семинар-тренинглар, медиатурлар, экожурналистика танловлари ташкил этилмоқда.

Тадбирда «Экологик назорат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг мазмун-моҳияти, журналистлар ва эколог мутахассислар ҳамкорлиги самаралари, барқарор тараққиёт таълимининг асосий йўналишлари, тоза ҳаво тадбири, ер ва сув ресурсларини бошқаришга оид долзарб вазифаларга бағишланган маърузалар тингланди. Соҳага оид қонунчилик, экологик тарғибот юритишнинг таъсирчан услублари юзасидан фикр алмашилди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири

Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллиги олдидан

ЭЛ СУЙГАН ШОИР

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигига бағишланган адабий-бадиий кеча ўтказилди.

Унда ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунос олимлар, маънавият тарғиботчилари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси А.Маматов, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректори Б.Сайфуллаев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида маънавиятимизнинг ажралмас қисми бўлган бадиий адабиёт ривожи давлатимиз, жамиятимиз эътиборида бўлиб келаётганини таъкидлади. Бу борадаги саъй-ҳаракатларда самарали фаолият кўрсатган ижодкорлар меҳнатини қўллаб-қувватлаш, уларнинг асарларини халқимиз, айниқса, ёшлар орасида кенг тарғиб этиш масаласига устувор аҳамият қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 27 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги Қарорига кўра шоир ижодий фаолиятига бағишланган адабий кечалар, давра суҳбатлари, маърифий анжуманлар, мушоиралар бўлиб ўтмоқда.

– Муҳаммад Юсуф содда, самимий, халқчил, шу билан бирга теран мушоҳадага бой шеърлари билан халқимиз кўнглидан жой олган ижодкор, – дейди мазкур институт доценти, филология фанлари номзоди Ҳамдам Исмоилов. – Сўзнинг бадиий имкониятларидан маҳорат билан фойдаланиш, туйғулар тиниқлиги, руҳият манзараларини лўнда ва равон ифодалаш шоир ижодий услубининг асосий хусусиятидир.

Ижодий кечада шоир ижодининг ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни ҳар жиҳатдан комил инсонлар этиб вояга етказишдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида атрофлича сўз юритилди. Ватан, истиқлол, олижаноб туйғулар тараннум этилган шеърларидан намуналар ўқилди. Куй-қўшиқлар ижро этилди.

Н.УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

СИФАТЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 5-стоматология поликлиникасида олтмишга яқин тиббий ходим аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатмоқда.

Замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган шифо масканида физиотерапия, даволаш, ортопедия, жарроҳлик бўлимлари, рентген ва маслаҳатхона, лаборатория хоналари ишлаб турибди. Бош ҳамшира Инобат Шодмонованинг таъкидлашича, бу ерда меҳнат қилаётган ўрта тиббиёт ходимларининг асосий қисмини тиббиёт коллежини битирган ёшлар ташкил этади.

СУРАТДА: (чапдан) бош ҳамшира Инобат Шодмонова ва олий тоифали шифокор Васила Икромова.

Аъло Абдуллаев (ЎзА) олган сурат

АНЪАНАЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёшларнинг ҳар томонлама замонавий билим олиши ва ўз истеъдодини намоён этиши учун қулай шароитлар яратилмоқда. Ёшларимизнинг турли халқаро мусобақаларда эришаётган муваффақиятлари ҳам бу борадаги ишлар юксак самаралар бераётганидан далолатдир.

Масалан, Республика эстрада-цирк коллежининг 3-босқич ўқувчилари акробатика бўйича Германияда бўлиб ўтган халқаро турнирда биринчи ўринни эгаллади. Қозоғистонда ўтказилган «Юлдузлар базми» спорт рақслари халқаро турнирида олтин ва кумуш медалларни қўлга киритди.

Коллеж ўқувчилари цирк ва театр санъати ихлосмандларини ўз маҳорати билан мафтун этмоқда. Негаки, Республика эстрада-цирк коллежи ўқувчилари ўқув амалиётини пойтахтимиздаги театр ва цирклар да ўтамоқда.

– Ўзбек давлат циркининг байрам дастурларида фаол иштирок этиб келаман, – дейди ЎзА мухбирига коллежнинг 3-босқич ўқувчиси, халқаро турнир ғолиби Христина Мальнева. – Чунки, коллежимизда назария амалиёт билан боғлиқ ҳолда олиб борилади. Бу ерда бизнинг чуқур билим олишимиз учун барча шароитлар яратилган.

Коллежда ўқувчилар цирк ва актёрлик санъати, мусиқа асбоблари ижрочилиги, эстрада рақси ва вокал йўналишлари бўйича таълим олмоқда. Уч йил аввал актёрлик бўлимида қўғирчоқ актёрлиги йўналиши ҳам очилди.

– Ўқув муассасамизда мамлакатимиздан ташқари хорижий давлатлардан ҳам ёшлар таҳсил олмоқда, – дейди коллеж директори К.Зарипова. – Уларга замон талаблари даражасида билим беришга ҳаракат қилмоқдамиз. Халқаро миқёсда эришилаётган ютуқлар ўқувчиларимизни фанларни янада чуқур ўрганиш, машғулотларга масъулият билан ёндашишга ундайди.

Коллеж минтақада ушбу йўналишдаги ягона ўқув юрти бўлиб, нафақат мамлакатимиз, балки қатор хорижий давлатлар учун ҳам кўплаб истеъдодли цирк ва эстрада артистлари тайёрлаб бераётган муассаса сифатида танилган. Бу ерда меҳнат қилаётган 200 нафардан зиёд ўқитувчи орасида цирк, театр ва кино санъатининг етакчи мутахассислари ҳам бор.

2008 йилда коллеж биноси реконструкция қилиниб, цирк бўлими учун спорт зали барпо этилди, актёрлик маҳорати ва вокал бўйича машғулотлар ўтказиладиган синфлар таъмирланди. 360 ўринли ўқув биноси, замонавий техника билан жиҳозланган компьютер синфоналари ўқувчилар ихтиёрида.

Коллеж раҳбарияти, айниқса, ўқувчиларни иш билан таъминлашга катта эътибор қаратмоқда. Айни пайтда иккинчи ва учинчи босқич ўқувчиларининг 50 фоизи билан ўқишни тамомлагандан сўнг кафолатли иш ўрнига эга бўлиши ҳақидаги уч томонлама шартномалар тузилган.

Ирина ДОЛЕНКО

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини яхшилаш, оналар ва болалар соғлиғини мустаҳкамлаш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

2014 йил — Соғлом бола йили

ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Президентимизнинг «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Қарори ҳамда «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида юртимизда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган матбуот анжуманида шу ҳақда сўз борди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири А.Алимов ва бошқалар Юртбошимиз раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган кенг кўламдаги ислоҳотлар, оналик ва болаликни муҳофазалаш, ҳар томонлама соғлом, етук ва баркамол авлодни камолга етказишда муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлаб ўтишди.

Ўтган йиллар мобайнида «Соғлом она — соғлом бола» ғоясини ўзида мужассам этган дастур асосида кенг кўламли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга жорий этилиши натижасида, скрининг ва перинатал янги тиббий марказлари тиббиётимизда мустаҳкам ўрин эгаллади.

Хусусан, фертиль ёшдаги аёллар, болалар ва ўсмирларга юксак технологиялар асосида тиббий-профилактика, диагностика ва даволаш ёрдами кўрсатишнинг замонавий тизими яратилди. Болаларни юқумли касалликларга қарши эмлаш жараёни замон талаблари ва тиббиёт ютуқларидан келиб чиқиб, мунтазам равишда такомиллаштирилмоқда.

Мамлакатимизда дунё тажрибасида илк бор ҳомиладор аёлларни таркибида шифобахш моддаси бўлган, микроэлементларга туйинтирилган поливитаминлар билан таъминлаш амалиёти жорий этилди. Натижада туғруқ жараёни ва ундан кейинги даврларда юзага келиши мумкин бўлган асоратлар ва вазни кам болалар туғилишининг олди олинмоқда.

Жорий йилда ҳам оналар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий ёрдамни такомиллаштиришга йўналтирилган ишлар амалга оширилаётир.

Бинобарин, МДҲ мамлакатларида ўхшаши бўлмаган замонавий кўп тармоқли болалар марказини қуриш ва уни юқори технологик тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш кўзда тутилган. Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий маркази, Тошкент Педиатрия-тиббиёт институти клиникаси, вилоятлардаги кўп тармоқли болалар тиббиёт марказлари, бир қатор янги иншоотлар барпо этилиши режалаштирилган.

Республикамизда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ишлар ва эришилаётган ютуқлар дунё мамлакатлари нигоҳида ҳам кенг эътироф этилмоқда. Яқинда ОАВ орқали яна бир хушхабар эълон қилинди: Ўзбекистонда амалга оширилаётган «Соғлом бола йили» Давлат дастури БМТ томонидан расмий ҳужжат сифатида тарқатилди.

Анжуманда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган изчил ислоҳотлар кўлами, мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ва бу борада амалга оширилаётган ишлар, орттирилган илғор тажриба, эришилаётган ютуқлар ва ечимини кутаётган вазифалар хусусида батафсил сўз юритилди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

Тадбирлар

МЕҲР-МУРУВВАТДАН КЎНГИЛ ЯЙРАДИ

Айни дамларда ўлкамиз узра қадр-қиммат, меҳр-оқибат айёми бўлмиш Наврўзи олам шукуҳи кўнгилларга бир олам қувончу шодлик, меҳр-мурувват тўлдириб кезмоқда. Унинг хайру саховатга йўғрилган илиқ шамоли бетоб, ногирон, кўмакка муҳтожлар оғирини енгил қилиб, шикаста дилларга меҳр улашмоқда.

Мирзо Улуғбек туманидаги «Салор» маҳалла фуқаролар йиғини ташаббуси билан шу тумандаги муҳташам «Дархон» қаҳвахонасида «Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин» шиори остида катта байрам тадбири ташкил этилди.

Шу куни баҳорий дастурхон ёзилиб, кам таъминланганлар, нафақахўрлар, маҳалла фаоллари ва эл ҳурматида бўлган инсонлар таклиф этилди. Тадбир давомида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Зиёдулла Убайдуллаев, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Бурҳон Аҳмаджонов, «Ибратли оила» шарафли номи соҳибаси Муфлия ая Отабекова, 18-мактаб директори Искандар Тожиев ва бошқа таниқли инсонлар ўзларининг дил сўзларини айтиб, барчани байрам билан муборакбод этдилар.

Ватанпарварлик, меҳру оқибат, қадр-қиммат каби инсоний фазилатлар улуғланган тадбирда Равшан Намозов, Зиёд Холматов, Хурсанд Шеров, Феруза Ташмуҳамедова каби таниқли санъат усталари, Тошкент Давлат санъат ва маданият институти, Ўзбекистон Давлат консерваторияси талабалари ўз маҳоратлари билан йиғилганларни хушнуд этдилар.

Шаҳризода МУҲСИМОВА

102 ХАБАРЛАРИ

● Миробод тумани, А.Фитрат кўчаси, 1-уй, 41-хонадонда яшовчи Ғанишер Мирасланов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) Миробод тумани, Янгизамон кўчаси, 6-Ауй, 22-хонадонда яшовчи Сардор Саидовнинг 290.000 сўмлик «Нокиа С3» уяли телефон аппаратини тортиб олиб қочиб кетаётган вақтида «ТУН» хизматига жалб қилинган ИИББ ППХБ ходимлари томонидан ушланди.

* * *

● Сергели тумани, Биродарлик кўчаси, 3-уй, 15-хонадонда яшовчи Виктор Мишкин Чилонзор туманида Шерзод Қаюмов бошқарувидаги «Матиз» русумли, давлат рақами 01 L 225 CA автоуловида йўловчи сифатида келаётганида жисмоний куч ишлатиб ҳайдовчининг «Нокия» уяли телефон аппаратини тортиб олиб қочиб кетган.

* * *

● Чилонзор даҳаси, 19-мавзе, 20-уй, 35-хонадонда яшовчи ҳеч қаерда ишламайдиган Маҳмуд Ҳидоятов шу туманда жойлашган «Афрўз» ресторани олдида, безорилик оқибатида Ҳамиджон Толиповга пичоқ санчиб, тан жароҳати етказган. Натижада Толипов соғлиғининг бузилишига олиб келган тан жароҳати олган.

* * *

● Ҳамза туманидаги Фарғона йўли кўчаси, 3-уй олдида ҳеч қаерда ишламайдиган, шу уйнинг 32-хонадонида яшовчи Зариф Соипов ва ҳеч қаерда ишламайдиган, шу манзилда яшовчи Маҳмуд Салимовлар безорилик оқибатида Сурхондарё вилояти, Сариосиё тумани, «Наврўз» маҳалласида яшовчи Асқар Даминовга тан жароҳати етказганлар.

Юқоридаги барча ҳолатлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-модда 2-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ишлари олиб борилмоқда.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси матбуот хизмати хабарлари асосида тайёрланди

ҚОНУННИ БУЗГАН ПАНД ЕЙДИ

Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларнинг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланувчи валюта ислоҳотлари ҳам изчил амалга ошириб келинмоқда. Айни пайтда Республикамизда жисмоний шахслар томонидан нақд хорижий валютани олиб кириш ва олиб чиқиш тартибларини белгиловчи барча ҳуқуқий асослар ишлаб чиқилган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 20 мартдаги «Жисмоний шахсларнинг нақд хорижий валютани олиб келиши ва олиб чиқиб кетишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони шулар сирасидандир.

Мазкур Фармонга мувофиқ, республикамизда резидентларга 2000 АҚШ доллари эквивалентидаги, норезидентларга эса божхонага тақдим этилган декларацияга мувофиқ республикага келтирилган валюта миқдоридаги нақд хорижий валютани божхона баённомасида ёзма қайд этиш шарти билан эркин олиб чиқиб кетишларига рухсат этилади.

Кўрсатилган миқдордан ортиқча нақд хорижий валютани олиб кетишга Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ёки хорижий валюта билан операцияларни ўтказишга асосий лицензияси бўлган ваколатли банкларнинг рухсати билан йўл қўйилади.

Аммо, жорий этилган мазкур тартибларга бўйсунмай, нақд хорижий валюталарни яширинча олиб чиқишга уринишлар ҳам учраб турибди.

Бангкокка отланган чет эл фуқароси Н.Козлованинг «парвози» бир оз кечикди. Бунга эса сабабчи ўзи! Чунки, у Тошкент халқаро аэропортида 5200 АҚШ долларини ички кийимларига яширганча олиб чиқишга уринган пайтда тўхтатиб қолинди. «Чўкаётган одам хасга ёпишади» деганларидек, қоидабузар божхоначиларга Ўзбекистон Республикаси божхона қонунчилигини яхши билмаслигини рўкач қилди. Аммо, энди бу баҳона уни жавобгарликдан озод қила олмайди.

Шунингдек, «Тошкент-Аэро» ихтисослаштирилган божхона комплекси ходимлари томонидан «Тошкент-Новосибирск» авиарейси йўловчиларидан бири, россиялик Н.Гильмутнинг ҳам қинғир қилмишларига нуқта қўйишди. Қаранг-ки, божхона баённомасида 1800 АҚШ долларини олиб чиқиб кетаётганлигини қайд қилган бу аёл кўл сумкасига яширилган 6710 АҚШ доллари ҳақида баённомада ҳам, божхона ходимининг оғзаки сўрови пайтида ҳам маълум қилишни «унутиб» қўйди.

«Дўстлик» чегара-божхона комплексида эса қўшни давлатга 10 минг АҚШ долларини чарм курткасига яширганча олиб чиқишга уринган М.Мамаджонов андижонлик божхоначилар томонидан тўхтатиб қолинди. Қинғир қилмиши ошкор бўлган қонунбузар божхоначилар олдида ер чизишдан нарига ўта олмади.

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ходимлари томонидан ҳам шу турдаги йирик божхона қоидабузилишининг олди олинди. «Тошкент-Уфа» йўналишида йўлга чиққан поезд йўловчилари «Келес» темир йўл чегара божхона пости ходимлари томонидан божхона кўригидан ўтказилганда, йўловчилардан бири, фуқаро Р.Фархутдиновнинг қўл юклари орасида 17710 АҚШ доллари яширинча олиб чиқилаётганлиги фош қилинди.

Эндиликда юқорида исмлари таъкидланган шахслар жавобгарликка тортилиши ва пул маблағларининг давлат фойдасига мусодара қилиниши муқаррардир.

Ҳозирда юқоридаги ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, 2014 йилнинг ўтган даври мобайнида республикамиз божхоначилари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар вакиллари билан ҳамкорликда аниқланган 171 та қонунбузарлик ҳолатларида 758 млн. сўмдан ортиқ эквивалентдаги нақд хорижий валюталарнинг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

Давлат божхона қўмитаси
Матбуот хизмати

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига «SOVPLASTITAL» ОАЖ кузатув кенгашининг 2013 йил 12 июлдаги 6-сонли йиғилиш қарорига асосан, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 20-мавзе, Катта Қаҳни кўчаси, 35а ва 35б-уй манзилда жойлашган, умумий майдони 7636,0 кв.м. бўлган, А, Б, В, Г, Д, Е, И, Ж блоклардан иборат бино-иншоотлар тақроран қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 5 371 371 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2014 йил 7 май куни соат 12:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 5 май куни соат 18:00.

Юқоридаги кўчмас мулклар 2014 йил 7 май куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолари 2014 йилнинг 14, 21, 28 май, 4, 11, 18, 25 июнь, 2, 9 ва 16 июль кунлари соат 12:00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдолар учун аризалар қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 14 майдаги савдо учун 12 май, 21 майдаги савдо учун 19 май, 28 майдаги савдо учун 26 май, 4 июндаги савдо учун 2 июнь, 11 июндаги савдо учун 9 июнь, 18 июндаги савдо учун 16 июнь, 25 июндаги савдо учун 23 июнь, 2 июлдаги савдо учун 30 июнь, 9 июлдаги савдо учун 7 июль, 16 июлдаги савдо учун 14 июль кунлари соат 18:00.

Савдода қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидагилар тақдим этилади: юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек тўлиқ ваколатли вакилнинг савдода қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслар учун – паспортнинг нусхаси, савдода тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома.

Савдо ғолибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулклар учун тўловлар амалга ошириш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 1 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-лдаги х/р: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519 тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-80-26. www.1kms.uz. Лицензия RR-0001.

Муҳаммад Амин (ЎзА) олган сурат

Спорт янгиликлари

МУРОСАСИЗ БЕЛЛАШУВЛАР

Профессионал футбол лигаси жамоалари ўртасида ўтказилган 5-тур баҳсларидан сўнг турнир жадвалида пешқадамлик қилаётган «Пахтакор» ўз таъқибчиларидан 4 очкога ўзиб кетди.

Бу турда Самвел Бабаян шогирдлари ўз майдонларида совринли ўринлар учун курашаётган «Олмалиқ» жамоаси билан куч синашишди. Ниҳоятда муросасиз курашларга бой, қизиқарли, «Пахтакор»нинг бир оз устунлигида ўтган учрашувда Кримец томонидан дарвозага киритилган ягона гол мезбонларга 1:0 ҳисобидаги муҳим ғалабани тақдим этди. Ушбу баҳсдан кейин ҳали очко йўқотмаган «Пахтакор» «Бунёдкор» ва «Локомотив» жамоаларини 4 очкога ортда қолдирмоқда.

Ушбу турда мухлислар «Бунёдкор» — «Локомотив» ўртасидаги ўзига хос «Тошкент дерби»сига гувоҳ бўлишди. Бу икки жамоа чемпионат бошланишидан аввал ҳам Супер кубок учун беллашувларда куч синашишган, унда «Бунёдкор» жамоаси зафар қучган эди.

Бу сафарги баҳсда тўпни назорат қилиш, рақиб дарвозасига хавфли ҳужумлар уюштириш борасида Вадим Абрамов шогирдлари бир мунча устунликка эришишди. Аммо беллашув 1:1 ҳисобида якунланди. Дарвозаларга голларни «Бунёдкор»дан — Пишур, «Локомотив»дан — Тожиев киритишди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Насаф» — «Нефтчи» — 2:1, «Металлург» — «Навбаҳор» — 2:0, «Сўғдиёна» — «Бухоро» — 0:1, «Андижон» — «Динамо» — 2:3, «Қизилқум» — «Машъал» — 0:0.

Халқаро футбол уюшмалари федерацияси — ФИФА томонидан дунё миллий терма жамоаларининг янги рейтинг жадвали эълон қилинди.

ИККИ ПОҒОНА ЮҚОРИЛАДИ

Унга кўра Миржалол Қосимов бош мураббийлигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси 53-ўринга лойиқ кўрилди.

Эътиборлиси шундаки, аввалги рейтингда 55-ўринда қайд этилган миллий терма жамоамиз икки поғона юқорилади.

Рейтинг жадвалини ҳамон амалдаги жаҳон ва Европа чемпиони Испания карвонбоши сифатида бошқариб турибди. Ундан кейинги ўринларни Германия ва Аргентина терма жамоалари банд этишган.

КУЧЛИЛАР АНИҚЛАНДИ

Ўзбекистон XXIII миллий чемпионати профессионал футбол лигаси жамоаларида тўп сурувчи март ойининг энг яхши футболчиси ҳамда мураббийси номи маълум бўлди.

Оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида ўтказилган сўровнома якунларига кўра «Пахтакор» жамоаси менежери Самвел Бабаян март ойининг энг яхши мураббийси деб топилган бўлса, айнан пахтакорчилар ярим ҳимоячиси Жамшид Искандаров энг яхши футболчи деб эътироф этилди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

2014 йил — Соғлом бола йили

БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИНИ ЯХШИЛАШ УСТУВОР ВАЗИФА

Мамлакатимизда болалар саломатлигини яхшилаш, уларни жисмонан ва ақлан соғлом инсон этиб тарбиялаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Зеро, келажак авлодни ҳар томонлама етук қилиб вояга етказиш бугун давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

Давлатимиз раҳбари ташаббуслари билан 2014 йилнинг «Соғлом бола йили» деб эълон қилиниши юртимизда болалар саломатлигига бўлган эътиборнинг нечоғлик юқори эканидан далолат беради. «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида болаларни тиббий кўрикдан ўтказиш, уларни соғломлаштириш, кам таъминланган оилалар фарзандларига тиббий кўмак бериш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилаётир.

Шу жумладан «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди томонидан оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, кам таъминланган оилалардаги бемор болаларни ижтимоий ва тиббий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида қатор хайрли тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Германиянинг «Friedensdorf International» халқаро ташкилоти билан 2002 йилдан буён ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ушбу ҳамкорлик доирасида 12 ёшгача бўлган бемор ва ногирон болаларни даволаш ва реабилитация қилиш ишлари амалга оширилмоқда. Бунда кам таъминланган оилалардаги лаб ва қаттиқ танглай, оёқларида туғма нуқсонлари бўлган, туғма ортопедик касалликларга чалинган ва куйиш асоратлари қолган болалар пластик операциялар қилиш учун Германиянинг нуфузли клиникаларига жўнатилиб, соғломлаштирилмоқда.

Яқинда фондниг тиббий-ижтимоий марказида Андижон, Наманган, Фарғона, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳридаги бемор болалар тиббий кўрикдан ўтказилди. Кўрик натижаларига кўра хасталиги оғир деб топилган бемор болалар жорий йилнинг август ойида Германиянинг нуфузли клиникаларига даволаниш учун жўнатилади.

Шу ўринда айтиш жоизки, ўтган 2013 йилда германиялик мутахассислар томонидан республикамиз ҳудудларида 500 нафарга яқин бемор болалар тиббий кўрикдан ўтказилиб, уларнинг қирқ нафари Германия клиникаларида даволаш учун тайёрланди. Шунингдек, жорий йилнинг февраль ойида яна 13 нафар бемор бола даволаниш учун юборилди. Даволаниш курсларини ўтаб бўлган ўндан зиёд бола ўз соғлиғини тиклаб юртимизга қайтди. Улар бугун барча тенгқурлари қатори ўйнаб-кулиб улғаймоқда.

Вали СОДИҚОВ

ТАБИАТ ҲАҚИДАГИ БИЛИМЛАРИ ОШИРИЛДИ

Ўзбекистонимиз табиати жуда гўзал. Юртимиздаги пурвиқор тоғлар, дарёлар, ерости бойликлари, шифобахш мевалару ўсимликлар, турли-туман гиёҳлар ҳамда ҳайвонот олами сирларини ўрганишда Ўзбекистон Давлат табиат музейининг аҳамияти жуда катта.

Яқинда ушбу музейга Тошкент Давлат техника университети талабалари учун экскурсия ташкил этилди.

Саёҳат давомида ёшлар музейнинг тарихи билан яқиндан танишишди. Музейнинг экспонатлари ёшларда катта таассурот уйғотди. Эътиборлиси, эколог олимлар, табиатшунослар, ўқитувчилар билан музейда мамлакатимиз табиатининг ўзига хос хусусиятлари, экологияни асраш, наботот ва ҳайвонот оламини муҳофаза қилишнинг аҳамияти ҳақида уюштирилган суҳбатлар бесамар кетмади. Экскурсия қатнашчилари пойтахтимиздаги музейларга саёҳат қилиш фойдадан холи эмаслигини таъкидлаган ҳолда бу борадаги келгуси иш режаларини белгилаб олишди.

(Ўз мухбиримиз)

Кўргазмалар

БАҲОРНИНГ ХУШБЎЙ ИФОРИ

Халқаро Маданият карвон саройида таниқли кулол Назира Қўзиеванинг «Баҳорнинг сокин, хушбўй ифори» номли шахсий кўргазмаси очилди.

Қадимий кулолчилик санъати асрлардан ошиб бизгача етиб келган. Айниқса, IX-XIII асрларда ҳунармандчилик — кандакорлик, ёғоч, тош ўймакорлиги, бадиий шишасозлик, гилам тўқиш, бадиий газлама тайёрлаш ва сирли кулолчилик санъати ривожланди.

Сирли кулолчилик санъати аввал Афросиёбда, кейинчалик эса Шош, Фарғона, Хоразм ҳудудларида ҳам кенг тарқалди. Маҳаллий уста кулоллар бежирим кўринишдаги бадиий усул ҳамда безакларидан фойдаланганлиги натижасида янги шаклли сопол буюмлари вужудга келди. Бунда асосан ўсимликсимон ва хандасавий нақшлар қўлланилсада, эпиграфик ёзувли нақшлар ҳам пайдо бўла бошлади. Вақт ўтиши билан араб ёзувидан таркиб топган эпиграфик нақшлар ўзининг мустаҳкам ўрнини эгаллади.

Ўзбекистонда эркаклар билан биргаликда аёллар ҳам кулолчилик санъати билан шуғулланади. Гарчи ушбу меҳнат катта куч талаб этсада, Назира Қўзиевадек машҳур кулоллар кўплаб топилади.

Назира Қўзиева — 1955 йил Бухоро вилоятида туғилган. Беньков номидаги рассомлик коллежида ўқиб юрган кезларидаёқ, у сопол буюмлар ясаш билан шуғулланади. Бу қизиқиш уни Островский номидаги Театр ва рассомлик институтининг кулолчилик йўналишида чуқур билим олишга даъват этди. Институтни тугатгач, бир неча йиллар Нукус шаҳридаги болалар бадиий мактаби ва санъат билим юртларида дарс берди.

Назира Қўзиева кўплаб республика ва халқаро кўргазмалар иштирокчиси ва ғолиби. 1988 йилдан бошлаб Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси аъзоси.

Унинг сополдан ишланган асарлари Савицкий номидаги Нукус Давлат санъат музейи, Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги кўргазмалар дирекцияси, Япония, Венгрия, Франция, Швейцария, Англия, Жанубий Корея, Индонезия, АҚШ, Миср, Германия, Латвия, Хорватия, Россия давлатларидаги шахсий коллекцияларда сақланиб келади.

Мурувватхон КАРИМЖОН қизи, ЎзДЖТУ талабаси

СУРАТДА: кўргазмадан лавҳа Алексей Попов олган сурат



Юртимизда баҳор фаслининг илиқ насими эсмоқда. Бироқ уйғониш фасли серёғин бошланганлиги боис офат рўй бермай туриб, мавсумий тайёргарликларни ўз вақтида кўриб қўйиш айни муддаодир.

Шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармаси фаолиятидан

ЎҚУВ МАШҚЛАРИ ЎТКАЗИЛДИ

Бинобарин, Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси томонидан пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонлари хавфсизлигини таъминлаш, Тошкент шаҳри ҳудудида рўй бериш эҳтимоли бўлган табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, оқибатларини бартараф этиш ва бундай пайтларда аҳолини тўғри ҳаракат қилишга ўргатиш мақсадида муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ана шулардан бири — «Бектемир тумани бошқарув органлари, ФВДТ ҳудудий ва функционал қуйи тизимларининг табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш бўйича ҳаракати» мавзусида қўмондонлик-штаб ўқув машқи Бектемир туманида ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири – Фуқаро муҳофазаси бошлиғининг 2013 йил 27 декабрдаги «Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича 2013 йилда бажарилган тадбирлар якуни ва 2014 йилдаги вазифалари тўғрисида»ги буйруғи, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2013 йил 30 декабрдаги «Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича 2013 йилда бажарилган тадбирлар якуни ва 2014 йилдаги вазифалари тўғрисида»ги буйруғи ҳамда 2014 йил 3 февралдаги «Бектемир туманида Фуқаро муҳофазаси Қўмондонлик-штаб ўқув машқига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги буйруғига мувофиқ ўтказилган тадбирдан кўзланган мақсад фавқулодда вазиятларда фуқаро муҳофазаси тадбирларини режалаштириш, бундай вазиятлар оқибатларини бартараф этишда назарий ва амалий кўникмаларни ҳосил қилиш, иқтисодиёт тармоқлари раҳбарлари, мутасадди тузилмалар бошлиқлари, фуқаро муҳофазаси хизматларининг куч ва воситаларини бошқариш, уларга раҳбарлик қилиш тажрибаларини такомиллаштириш ҳамда объектларнинг барқарор фаолият кўрсатишига муайян ҳисса қўшишдан иборатдир.

Мазкур ўқув машқида Бектемир тумани ҳокимлиги бошқарув органлари, туман тошқинга қарши комиссияси, эвакуация комиссияси раислари, ФВДТ ҳудудий қуйи тизимига кирувчи фуқаро муҳофазаси хизматлари, ўта муҳим, тоифаланган, кимёвий ва ёниш-портлаш хавфи мавжуд объектлари, тиббиёт муассасалари, коллеж ва академик лицейлари, умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасалари, тижорат банклари, бозорлар, АЁҚШ, АГТКС, паногоҳи бор ташкилотлар ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари иштирок этди.

Тадбир давомида туман ФВДТ ҳудудий қуйи тизимига кирувчи фуқаро муҳофазаси хизматлар, корхона ва ташкилотлар, таълим ва даволаш-профилактика муассасалари раҳбарларига хабар бериш телефон тармоқлари орқали амалга оширилиб, туманда хабар бериш тизимининг ишлаш тартиби текширилди.

«Мажнунтол» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида «Талафотли сув тошқини содир бўлиши кутилганида маҳалла аҳолисини хавфсиз жойга эвакуация қилиш ишларини ташкил этишда маҳалла раиси, фаоллари ва фуқаро муҳофазаси тузилмалари ҳамда туман Фуқаро муҳофазаси хизматларининг ҳамкорликдаги ҳаракати» мавзусида тактик-махсус ўқув машқи ўтказилди.

Туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига қарашли 293-сонли умумтаълим мактаби ҳудудида «Талафотли сув тошқини содир бўлганида мактаб ўқувчиларини хавфсиз жойга эвакуация қилиш, жабрланганларни қутқариш ва уларга биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатишда мактаб раҳбарияти ва фуқаро муҳофазаси тузилмаларининг ҳаракати» мавзусида ўтказилган тактик-махсус ўқув машқи барчада илиқ таассурот қолдирди. Туман ҳудудидаги 580-сонли мактабгача таълим муассасасида ҳам юқоридаги мавзу бўйича тадбир амалга оширилди.

Бектемир тумани ҳудудидан оқиб ўтувчи каналда «Бектемир канали қирғоқларини мустаҳкамлаш, кўприклар ости ва канал ўзанини маиший чиқиндилардан тозалаш» мавзусида тактик-махсус ўқув машқи ўтказилди. Ўқув машқига туман тошқинга қарши комиссияси, Фавқулодда вазиятлар бошқармаси, Ободонлаштириш бош бошқармаси, каналларни тасарруф этувчи ихтисослаштирилган бошқарма ҳамда туман фуқаро муҳофазаси хизматларидан жами бўлиб, 187 нафар шахсий таркиб, 14 та оғир-мухандислик ва махсус техникалар жалб этилиб, каналнинг 1200 метр узунликдаги қисмида тозалаш ишлари олиб борилди.

Туман ҳокимлигида қўмондонлик-штаб ўқув машқи давомида эришилган ютуқ ва камчиликлар юзасидан туман ҳокими ва Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи подполковник Б.Раҳмонқулов бошчилигида туман раҳбарияти, ташкилот, корхона ва барча муассасалар мутасаддилари иштирокида тадбир жараёнида амалга оширилган ҳаракатлар юзасидан якуний муҳокама йиғилиши ўтказилди. Уч кун ичида амалга оширилган тадбирлар ва йўл қўйилган камчиликлар юзасидан таҳлилий маъруза қилиниб, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар бўйича тавсиялар ва тегишли кўрсатмалар берилди.

Олиб борилган кузатувлар ва қилинган таҳлиллар жараёнида Бектемир тумани Фуқаро муҳофазаси хизматлари фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, оқибатларини бартараф этишга тайёр деб баҳоланди.

Азамат СУЮНОВ, журналист

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«NEW TRANS ALLIANCE» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога қуйидаги автотранспорт воситалари тақроран қўйилмоқда: Бекобод шаҳар СИБ томонидан: 1. 12.08.2013 й. № 7440-сонли ижро ҳужжатига асосан 1978 й. и/ч. «ИЖ 2125», д/р. 11 О 9497. Бошланғич баҳоси – 733 922,60 сўм. 2. 23.07.2012 й. № 7692-сонли ижро ҳужжатига асосан 1984 й. и/ч. «Москвич 2140», д/р. 11 V 5694. Бошланғич баҳоси – 256 910 сўм. 3. 12.08.2013 й. № 7443-сонли ижро ҳужжатига асосан 1978 й. и/ч. «Ваз-21011», д/р. 10 М 109 АА. Бошланғич баҳоси – 2 244 708,60 сўм. 4. 05.11.2012 й. № 11308-сонли ижро ҳужжатига асосан 1972 й. «Газ 24», д.р. 11 Т 8238. Бошланғич баҳоси – 793 687 сўм. 5. 03.01.2013 й. № 1-сонли ижро ҳужжатига асосан 1981 й. «Даймлербенц», д.р. 20 Р 4444. Бошланғич баҳоси – 28 031 592 сўм. «Бекобод Савдо» МЧЖ омборида сақланмоқда. 6. 15.08.2011 й. № 10379-сонли ижро ҳужжатига асосан 1991 й. и/ч. «ДТ-75», д/р. сиз. Бошланғич баҳоси – 2 046 987 сўм. «Зафар қурилиш инвест» МЧЖ омборида сақланмоқда. 7. Миробод тумани СИБ томонидан 06.09.2013 й. № 32175/6-сонли ижро ҳужжатига асосан 1998 й. и/ч. «Нексия» д.р. 90 W 136 СА. Бошланғич баҳоси – 15 095 737 сўм. 8. Миробод тумани СИБ томонидан 30.10.2013 й. № 36234/19-сонли ижро ҳужжатига асосан 2010 й. и/ч. «Эпика», д/р. 01 Т 786 GA. Бошланғич баҳоси – 50 400 000 сўм. 9. Миробод тумани СИБ томонидан 08.10.2012 й. № 34268/10-сонли ижро ҳужжатига асосан 2003 й. и.ч. «Даймлер Крайслер» д.р. 10 А 737 АА. Бошланғич баҳоси – 59 944 050 сўм. 10. Миробод тумани СИБ томонидан 30.05.2012 й. № 18782/6-сонли ижро ҳужжатига асосан 1994 й. и.ч. «Опел Вектра» д.р. 01 S 512 АА. Бошланғич баҳоси – 9 444 217 сўм. 11. Миробод тумани СИБ томонидан 01.06.2012 й. № 18927/6-сонли ижро ҳужжатига асосан 1985 й. и.ч. «Москвич-412» д.р. 01 Q 293 СА. Бошланғич баҳоси – 1 003 284 сўм. 12. Миробод тумани СИБ томонидан 01.12.2011 й. № 25109/21-сонли ижро ҳужжатига асосан 1988 й. и.ч. «Заз-968» д.р. М 4954 ТН. Бошланғич баҳоси – 169 451 сўм. «Space Arsenal Service» МЧЖда сақланмоқда. 13. Миробод тумани СИБ томонидан 10.05.2012 й. № 16629/6-сонли ижро ҳужжатига асосан 1980 й. и.ч. «Москвич-412» д.р. 30 М 8549. Бошланғич баҳоси – 536 652 сўм. Тошкент шаҳри ИИББ Ахборот марказида сақланмоқда. 14. Миробод тумани СИБ томонидан 29.04.2013 й. № 11242/10-сонли ижро ҳужжатига асосан 2000 й. и.ч. «Опел Омега» д.р. сиз. Бошланғич баҳоси – 15 980 207 сўм. 15. Миробод тумани СИБ томонидан 29.04.2013 й. № 11242/10-сонли ижро ҳужжатига асосан СР416-русумли майдонларга ишлов берувчи плуг. Бошланғич баҳоси – 71 965 550 сўм. «Зафар-И» ХИЧТК божхона омбори, Тошкент шаҳри, Эски Отчопар кўчасида сақланмоқда. Аукцион савдоси 2014 йил 1 май куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – «New Trans Alliance» МЧЖ-нинг «ASIA ALLIANCE BANK» ОАТБ Мирзо Улуғбек тумани филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 2020 8000 9048 8730 5001, МФО: 01103, СТИР: 301 829 604. Аукцион ғолиби сотиб олган автотранспорт воситаси қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Зиёлилар кўчаси, 1-уй. Телефон: (8371) 262-35-99.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **17 ва эрталаб 18 апрелда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз кўпайиши тахмин қилинмоқда, тагмиқдори паст бўлади.*

*Тошкент шаҳрида **17 апрелда** ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 6-8 даража илиқ, кундузи — 20-22 даража иссиқ бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 232-11-39
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz
Буюртма Г- 456
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 12165 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул Д. Исроилов
Босишга топширилди: 13.50
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ